

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати  
ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон  
Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа  
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари тўғрисида маълумот**

Тадбирда маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарори ҳақида тушунтиришлар бериб борилди. Қарорда асосий мақсад Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириши кўрсатиб ўтилган.

Қарор билан 2 та илова тасдиқланган бўлиб, 1-илова Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси, 2-илова Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» дир.

1-илова Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси 4-бобдан иборат бўлиб, умумий қоидалар, мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлар ва кутилаётган натижалардан иборатдир.

2-илова йўл харитаси бўлиб, унда Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш, Хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш, Солиқ таваккалчиликларини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг замонавий тизимини яратиш, Давлат солиқ хизмати органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва Давлат солиқ хизмати органларида коррупциянинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш каби йўналишларни ўзида қамраб олади.

Шунингдек, йиғилган иштирокчилар томонидан ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маърузачи саволлар беришди ҳамда белгиланган муддатда ва қизиқарли ўтказилди.